

# JOURNAL OF NATURAL SCIENCE

Nº 2 (7) 2022

<http://natscience.jspi.uz>



<u>ТАХРИР ХАЙЬАТИ</u>	<u>ТАХРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ</u>
<p><b>Бош мухаррир –</b> У.О.Худанов т.ф.н., доц.</p> <p><b>Бош мухаррир ёрдамчиси-Д.К.Мурадова,</b> PhD, доц.</p>	<ol style="list-style-type: none"><li>1. Худанов У.О. – ЖДПИ Табиий фанлар факултети декани, т.ф.н., доц.</li><li>2. Шилова О.А.-д.х.н., профессор Института химии силикатов им. И.В. Гребенщикова Российской академии наук (ИХС РАН)</li><li>3. Маркевич М.И.-ф.ф.д. проф Белорусия ФА</li><li>4. Elbert de Josselin de Jong- профессор, Niderlandiya</li><li>5. Кодиров Т- ТТЕСИ к.ф.д, профессор</li><li>6. Абдурахмонов Э.А.–СамДУ к.ф.д., профессор</li><li>7. Насимов А.М.–СамДУ к.ф.д., профессор</li><li>8. Сманова З.А.-ЎзМУ к.ф.д., профессор</li><li>9. Тошев А.Ю.- ТТЕСИ к.ф.д, доцент</li><li>10. Султонов М-ЖДПИ к.ф.д,доц</li><li>11. Яхшиева З- ЖДПИ к.ф.д, проф.в.б.</li><li>12. Раҳмонкулов У- ЖДПИ б.ф.д., проф.</li><li>13. Мавлонов Х- ЖДПИ б.ф.д.,проф</li><li>14. Муродов К-СамДУ к.ф.н., доц.</li><li>15. Абдурахмонов F- ЎзМУ фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц</li><li>16. Хакимов К – ЖДПИ г.ф.н., доц.</li><li>17. Азимова Д- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (биология бўйича) (PhD), доц</li><li>18. Юнусова Зебо – ЖДПИ к.ф.н., доц.</li><li>19. Гудалов М- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (география фанлари бўйича) (PhD)</li><li>20. Мухаммедов О- ЖДПИ г.ф.н., доц</li><li>21. Хамраева Н- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (биология фанлари бўйича) (PhD)</li><li>22. Рашидова К- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц</li><li>23. Муминова Н- ЖДПИ к.ф.н., доц</li><li>24. Мурадова Д- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (кимё фанлари бўйича) (PhD), доц</li><li>25. Инатова М- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (кимё фанлари бўйича) (PhD)</li></ol>
<p><b>Муассис-Жиззах давлат педагогика институти</b></p>	
<p>Журнал 4 марта чикарилади (хар чоракда)</p>	
<p>Журналда чоп этилган маълумотлар аниқлиги ва тўғрилиги учун муаллифлар масъул</p>	
<p>Журналдан кўчириб босилганда манбаа аниқ кўрсатилиши шарт</p>	

Жиззах давлат педагогика институти Табиий фанлар факултети

Табиий фанлар-Journal of Natural Science-электрон журнали

[/http://www/natscience.jspi.uz](http://www/natscience.jspi.uz)

## БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ТУРИЗМ БОШҚАРУВИНИНГ ЎЗИГА ҲОС ГЕОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИ

*Қаршибоев Оқберди-талаба*

*Исомиддинова Малика-талаба*

**Жиззах давлат педагогика институти**

**Аннотация:** Бозор иқтисодиёти шароитида бошқарув туризмининг ўрни бир неча тамойиллар ва иқтисод географик назарияларга асосланган холда ёритилиб берилган. Хусусан, бошқарув ва туризмнинг ривожланиши табиий шароит омилига бевосита боғлиқлиги тахлили қилинган.

**Калит сўзлар:** Бозор иқтисодиёти, Бошқарув, ижтимоий ҳимояга мухтоҷ ахоли қатламлари, географик хусусиятлар, халқаро тажрибалардан фойдаланиш.

**Аннотация:** Освещена роль управляемого туризма в условиях рыночной экономики на основе ряда принципов и экономико-географических теорий. В частности, развитие управления и туризма напрямую связано с фактором природной среды.

**Ключевые слова:** рыночная экономика, управление, социально уязвимые группы, географические особенности, использование международного опыта.

Бошқарув ҳар қандай жамиятга ҳос бўлган, хаёт ва турмуш заруратидан келиб чиқадиган фаолиятдир. Бозор иқтисоди шароитида бу фаолият моҳияти янада такомиллаша боради. Бошқаришнинг асосий мақсади - меҳнат аҳлининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқаришни ва шу аснода барча ижтимоий муносабатларни тараққий эттиришдан иборат.

Бошқарув - тараққиётнинг ҳар қандай босқичида жамиятга ҳос бўлган ички хусусиятдир. Бу хусусият умумий характерга эга. Бу хусусият ижтимоий жамоа меҳнатида, турмуш ва меҳнат жараённада кишиларнинг ўзаро алоқада бўлиши, ўз моддий ва маънавий фаолиятининг маҳсулотини алмаштириш заруратидан келиб чиқади. Меҳнат ҳамма даврларда ижтимоий характерда бўлган. Чунки, жамият қонунлари шуни тақозо этади. Инсонлар дунёга келиб, онгли ҳаётларини бошлиши биланоқ биргалиқда ишлашга эҳтиёж сезганлар. Бу зарурат турли даврларда турлича кечган. Барча даврларга ҳос ягона хусусият бошқарув жараёни билан изоҳланади. Жамият тараққиётининг маълум бир босқичида жамиятнинг алоҳида қобилият ва билимларга эга бўлган кишилар томонидан бошқарилишига эҳтиёж пайдо бўла бошлади. Кейинчалик бошқарувчи кишилар сони кўпая бориб, алоҳида ижтимоий гуруҳга, сўнг табақага айландилар. Бу ижтимоий табақа кенгайиб, давлат деб номланадиган

бошқарув органи пайдо бўла бошлайди. Бошқарув назарияси нисбатан кейинги вақтда янги фан тармоғи бўлиб, бир қанча фанлар негизида пайдо бўлди. У ўз фаолиятини бир қатор табиий ва ижтимоий фанлар заминида кўра бошлади. Бошқарув жараёнининг моҳияти ва қонунларини аниқлаш, бу жараёнда содир бўладиган муносабатларни очиб бериш, унинг тизимини ишлаб чиқиш ва бошқарув субъектининг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш бошқарув назариясининг асосий вазифаларига айланиб борди. Демак, меҳнатнинг ҳар қандай шакли бошқарувчига маълум даражада муҳтождир. Бошқарувчи ўз жамоаси ишларини бир-бирига мувофиқлаштиради. Бошқарувчи ишлаб чиқариш организмнинг мустақил аъзолари ҳаракатидан фарқ қилиб, бутун организм ҳаракатидан келиб чиқадиган умумий вазифаларни бажаради. Образли қилиб айтганда дараҳт ўзини-ўзи идора қиласи. Лекин сув ва қуёш энергиясига муҳтождир. Демак, тўғри бошқарувнинг муҳим шарти - бошқарувчининг, яъни раҳбарнинг иродаси, билими, қўникма малакасига боғлиқ холда ривожланиб боради. Бошқарувнинг моҳияти объектив ва субъектив шарт-шароитларини шундай нисбатда уйғунлаштиришни таъминлашдан иборатдир, бу мўлжалланган мақсадга эришиш имконини беради. Шунинг учун яхши раҳбар одамларга камроқ буйруқ беради, бунинг ўрнига уларнинг меҳнат фаолияти учун зарур бўлган самарали шароит яратади. Шароитнинг ўзига ҳос географик қулай жойларини танлайда ҳамда оқиллик билан амалга оширади. Ривожланишнинг асосий структураларидан бири қулай географик жойдир. Ҳусусан, табиий шароити қулай, кўплаб табиий ресурслар, ҳамда яхши малакали кадрлар нафақат туризм барча бошқарув соҳалари учун керакли омиллардан деб хисоблайман. Маълумки, жамият табиий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий соҳаларни ўз ичига қамраб олади. Шунга мувофиқ тарзда бошқаришнинг ҳам учта асосий йўналиши мавжуддир. Энг асосийси, иқтисодий бошқарувдир. Чунки, иқтисод – моддий ишлаб чиқариш жамият ҳаёти ва тараққиётининг негизини ташкил этади. Республикаиз мустақилликка эришган ҳозирги даврда иқтисодни бошқаришга жиддий эътибор берилаётгани бежиз эмас. Миллий тикланиш иқтисодни қайта қуришдан бошланади. Иқтисодий жиҳатдан Ўзбекистоннинг ривожланган мамалакатларга етиб олиши иқтисодий бошқарувни тўғри йўлга қўйилиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Жамиятни ва айрим аъзолар маънавий ривожланишини бошқарув – бошқаришнинг яна бир асосий туридир. Илмий техника ривожланиш асирида маънавий ишлаб чиқариш соҳасини бошқариш ғоят катта аҳамият касб этади. Бу шаклдаги бошқариш, ўқув муассасалари, халқ таълим органлари, фан, адабиёт, санъат, маданият соғлиқни сақлаш каби соҳаларни бошқаришни ўз

ичига олади. Бошқарув инсон миясига таққосланади, бунда шахснинг яратувчилик имкониятлари мужассамланган, ундан унинг ижодий қобилияти намоён этилишига кўрсатма берилади. Инсоният томонидан фан-техника, иқтисодиёт ва ижтимоий мувафақиятлар тобора оширилиб боришига қўра бошқарув фаолиятининг илмга бўлган талаби ҳам тўхтовсиз ўсиб боради. Бундай илмий ёндашиш эҳтиёжини қўйидаги ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин:

- Биринчидан, бошқарувнинг нодир хусусияти : бирор йўқдан муайян ниманидир қилиш, тарқоқ унсурлардан тизим тузиш.
- Иккинчидан, раҳбар тасарруфида бўлган ёки у жавобгар ҳисобланган қадриятлар кўламининг жадал ошиши.
- Учинчидан, инсонлар куч-ғайратига асосланган бошқарувнинг яратувчилик самараси раҳбариятдан ҳар томонлама маълумотлилик, ўз қасбини устаси бўлишлик ва тизимли ёндашишни талаб қиласди.

Бошқарув фаолияти ўз моҳияти ва хусусияти бўйича жамият ҳаётида ақлий тартибга солиш аҳамиятга эга.

Маъмурий раҳбарлар бошқарув бўйича куч-ғайратининг учдан икки қисмини ўз ходимлари орқали амалга оширади, яъни уларнинг қадр-қиммати мақсадни кўзлаш, ходимларни ишга жалб эта билиш, жамоадаги ўзаро муносабатни белгилай билиш иқтидори билан ўлчанади.

Бошқарув, бу ҳамиша хукмронлик, инсонлар устидан амр этишлик имкони, лекин, ҳокимлик оқилона бўлиши лозим. Юқори малакали раҳбарларнинг мавжудлиги жамоа иши самарадорлигининг ҳал қилувчи шартидир. Ҳар қандай ташкилотнинг меъёрда фаолият кўрсатиши бошқарув тизимидағи ҳокимиятни тўғри тақсимлашга боғлиқ.

Ҳар бир раҳбарнинг ҳокимлик имконияти унинг лавозим ваколатига қўра белгиланади, бу улар хизмат вазифасини бажариш учун зарур. Олдиндан қўра билиш, режалаштириш, уйғунлаштириш, назорат қилиш, рафбатлантириш, ўқитиши, ижтимоий ақлни тузиш раҳбарнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Бугунги кунда чет эл турист сайёҳларни ўзимизга жалб қилишда бошқарув салоҳиятини кучайтиришда энг аввало географик таффавутларни хисобга олиб иш кўрилса анча мақсадга мувофиқ бўлар эди. Жумладан худуднинг табиий ва иқтисодий ижтимоий географик тафоввутларини эътиборга олиб туристлар оқимини кучайтириш орқали аста секинлик билан қолган худудларни ҳам шундай географик хусусиятларини хисобга олиб ривожлантириб бориши мумкин. Масалан Ўзбекистоннинг табиий иқтисодий ривожланиши ҳамма жойда бир хил ривожланмаган, бир жойнинг табиий шароити қулай бўлса, бошқа жойнинг иқтисодий ижтимоий шароити қулай. Шунинг учун туризм соҳасини ривожлантиришда бошқарув ўрнини ҳамда жойнинг географик

таффовутларини хисобга олиб ижтимоий иқтисодий ислоҳатларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб хисоблаймиз. Республикализ қулагай географик ўринга жумладан денгиз бўйида жойлашмаган бўлсада, ўзига ҳос қулагай географик таффовутларига эга. Яъни қуруқликнинг ўртаси, вулқонлар содир бўлмайди, ҳавфли тоғ қўчкилари, цунами тарнадолар бўлмайди, сибирга ўхшаб ойлаб йиллаб қор муз босмайди, тўрт фаслнинг аниқ такрорланиши, тоғ ва текисликларнинг мавжудлиги каби қулагай табиий иқтисодий ижтимоий факторларнинг мавжудлиги кўплаб туризмнинг турларини ривожлантириш имконини беради. Хусусан табиий рекрацион ва маданий тарихий туризмнинг барча турларини ривожлантириш мумкин, фақат хозирги кунда аста секинлик билан тўғри бошқарув йўлини танлаш, ҳамда оқилона географик худудни танлаб ривожлантириб бормоғимиз керак. Шунингдек, туризм ривожланган давлатлардаги тажрибалардан маълумки, бу турларга туристларнинг оқими жуда катта масштабларда бўлади. Давлатимиз табиий шароитининг қулагилиги ҳамда узоқ тарихга эга эканлигини хисобга олсак нафақат Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива, Фарғона водийси ва Шахрисабиз балки республиканизнинг бошқа кўплаб қулагай географик худудларида ҳам оммалаштириб туризмнинг жуда кўплаб турларини ривожлантиришимиз мумкин керак бўлса иқтисодиётимизнинг асосий структурасига ҳам қўйишимиз мумкин.

Унинг учун биз ҳали туризм соҳасида кўплаб оқилона қарорлар ижобий ишларни амалга оширишимиз керак. Хусусан обьектларида - манзилларида бизнесни ривожлантириш орқали маҳаллий ахоли меҳнат ресурслари учун қўшимча иш ўринларини яратиш ва туристик инфратузилмаларни ҳосил қилиш бунёдкорлик соҳасида, хорижий тилларни ўрганиш, ички туризмни оммалаштириш, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ ахоли қатламларини иш билан таъминлаш иложи бўлса туризмга, жаҳон талабларига мос келадиган моддий-техник, ахборот-маълумотлар базасини яратиш, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш кераклигини инобатга олиш зарур. Бугунги кунда ривожланган давлатлардан тажриб ўрганиб уларни тизимидек эмас, ўзимизнинг менталитетимиз, маданиятимиздан, урф одатларимиздан келиб чиқиб ривожлантирасак мақсадга мувофиқ бўлар эди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. “Таълим менежменти ва иқтисодиёти” фани (маърузалар матни).доц. Н.Файзуллаева, доц. О.Ҳайитов – Т. ТДИУ, 2007.
2. И.А.Каримов Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т:“Ўзбекистон”, 1999.
3. Xolmirzayev J.E. Jizzax viloyati antropogen gidrografik tarmoqlarining monitoring tahlili

4. Jumanazar, J. X. (2020). Жиззах вилоятининг табиий сув ҳавзалари ва улардан самарали фойдаланишнинг географик жиҳатлари. Архив Научных Публикаций JSPI.
5. Қурбонов, К., & Бурхонов, Э. (2020). Туризм ва унинг ривожланиш босқичлари. Архив Научных Публикаций JSPI.